



20 20 у. « 12 » август

№ Қ-372

« » 20 г.

Денов тумани “Ғалаба” СИУ ҳудудидан “Абдумалик Агробоғи” фермер хўжалигига 400 тонналик совутгич (холодильник) омборхонаси ҳамда мева ва сабзавот дўкони қурилиши учун рухсат бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониға асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 июлдаги 05-02/453-сон йиғилиш баёни, Денов тумани ҳокимининг 2020 йил 22 июндаги 01-37/641-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 июлдаги 05-02/453-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Денов тумани “Ғалаба” СИУ ҳудудидан “Абдумалик Агробоғи” фермер хўжалигига тегишли қишлоқ хўжалиги харитасининг 73қ-дала контуридаги 0,10 гектар яйлов ер майдониға 400 тонналик совутгич (холодильник) омборхонаси ҳамда мева ва сабзавот дўкони қурилиши учун рухсат берилсин.

3. “Абдумалик Агробоғи” фермер хўжалиги 400 тонналик совутгич (холодильник) омборхонаси ҳамда мева ва сабзавот дўкони қурилиши учун рухсат берилаётган 0,10 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 1 810 188 (бир миллион саккиз юз ўн минг бир юз саксон саккиз) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳ/р: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186)ға беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Денов тумани ҳокимлиги (Б.Ибатов) рухсат берилаётганлиги муносабати билан туман ер ҳисоботиға тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокимининг
биринчи ўринбосари**



Р.Пардаев